

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Бошқарувчи Директор
(Харид комиссияси раиси)

«УзАвто Моторс Пауэртрейн» АЖ
(буюртмачи номи)



Гулямов Саидазим
Миркамалович
(Ф.И.Ш)

«11» 10 2022й.

«УзАвто Моторс Пауэртрейн» АЖ эҳтиёжи учун

CSS Prime Cylinder Block Cylinder дастлабки ишлов бериш
линиясининг муҳандислик коммуникацияларини модернизация
килиш ишларини

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи

сотиб олиш бўйича техник топшириқ

Тошкент ш.

2022 й.

Умумий маълумотлар ва техник талаблар:

| | | |
|---|---|--|
| 1 | Корпоратив буюртмачининг ички буюртма рақами | PR № <u>100001318</u> |
| 2 | Буюртма тури | Бир маргалик харид (буюртмачи техник топшириқда кўрсатилган барча товарлар (ишлар, хизматлар) тўлиқ харид қилади). |
| 3 | Харид қилиш кўзда тутилган барча товарлар (ишлар, хизматлар) учун режа жадвал махсус ахборот порталида жойлаштирилганлиги ҳақида маълумот | |
| 4 | Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш заруратининг асосланганлиги | «УзАвто Моторс Пауэртрейн» АЖ қузатув кенгаши йиғилишининг <u>2019 йил 29 – ноябрдаги 50</u> чи сон баённомаси. |
| 5 | Товарлар (ишлар, хизматлар)дан фойдаланиладиган жой | CSS Prime Cylinder Block Cylinder дастлабки ишлов бериш линияси, «УзАвто Моторс Пауэртрейн» АЖ. |
| 6 | Харид қилиш кўзда тутилган барча товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида маълумот | Ушбу техник топшириқнинг 2-иловасига қаралсин. |
| 7 | Товарлар (ишлар, хизматлар) янгилиги ҳақида маълумот (ишлаб чиқарилган сана) | Етказиб берувчи (ижрочи) ушбу ҳужжатда кўрсатилган талабларга мувофиқ товарларнинг янги бўлиши, олдин фойдаланишда бўлмаганлигига ҳамда, қурилиш объектига кириб келадиган барча асосий материалларни ишлаб чиқарувчи ва тегишли стандартлаш органлари томонидан тақдим қилинган сифатни тасдиқловчи ҳужжатлари билан олиб кирилишига қафолат беради. Агар қафолат муддати давомида товарлар носоз бўлиб чикса ва ёки ушбу техник топшириқ талабларига жавоб бермаса, етказиб берувчи (ижрочи) Харидор (буюртмачи) томонидан ёзма хабарнома олганидан кейин товарларни янгисига алмаштиришга мажбурдир. Товарларни алмаштириш билан боғлиқ барча харажатлар етказиб берувчи (ижрочи)нинг ҳисобидан амалга оширилади. |
| 8 | Товарлар (ишлар, хизматлар) бюджет нархлари ва уларнинг асосланганлиги | Ушбу техник топшириқнинг 2-иловасидаги белгиланган бошлангич нархларга қаралсин. Умумий харажат : <u>540 824 536</u> сум ҚҚС билан. |
| 9 | Тижорат таклифларини техник томонлама баҳолаш меъзонлари ва усуллари | 1. Потенциал ижрочи тижорат таклифини тақдим қилишидан аввал буюртмачи объектига ташриф буюриб, буюртмачининг техник ходимлари билан амалга ошириладиган ишлар билан жойида танишиб чикиши лозим. Агар потенциал ижрочи бу шартни бажармаса, унинг тижорат таклифи қуриб чикилмайди, яъни бекор қилинади. 2. Потенциал ижрочиға қуйидаги талаблар қўйилади: - солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; - асосий ва иккиламчи ҳисоб варағидаги 2-сон картотека қарздолигининг мавжуд эмаслиги; |

| | | |
|----|---|--|
| | | <ul style="list-style-type: none"> - қўшилган қиймати солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги; - банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликлари мавжуд эмаслиги; - ўз балансидаги асосий фондларга, мулкларига таъкиқ қўйилмаганлиги; - таклиф этилган қурилиш муддати тендер предмети бўйича белгиланган қурилиш муддатидан қўп эмаслиги; <p>3. Потенциал ижрочи қуйида курсатилган иш турлари бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Технологик асбоб-ускуналарни, жихозларни демонтаж қилиш; - Мухандислик коммуникацияларини демонтаж қилиш; - Технологик асбоб-ускуналарни, жихозларни тушириш, ташиш, кадокларни очиш, монтаж қилиш - Мухандислик коммуникацияларини монтаж қилиш <p>5 йиллик амалиётга эга булиши лозим ва бу ҳақда буюртмачи объектига ташрифи чоғида маълумот (презентация шаклида) такдим қилиши шарт.</p> <p>4. Потенциал ижрочи ушбу техник топшириқда курсатилган барча ишларни бажариш учун керак буладиган техник базага эга булиши шарт. Ижрочи уз техник базаси хақида маълумот (презентация шаклида) такдим қилиши шарт. Агар потенциал ижрочи бу шартни бажармаса, унинг тижорат таклифи қуриб чиқилмайди, яъни бекор қилинади.</p> <p>5. Ижрочининг рейтинг Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги (https://mc.uz/qurilish-pudrat-tashkilotlari-elektron-reytingi/) руйхатида булиши шарт – устунлик рейтинг баланд потенциал ижрочиға бериледи.</p> |
| 10 | <p>Товар (иш, хизмат)ларни етқазиб бериш базиси ва муддатларига бўлган талаблар, ҳамда бошқа етқазиб бериш билан боғлиқ талаблар</p> | <p>Ишлар, хизматлар, ускуна ва жихозларни етқазиб бериш, монтаж ишлари лойиха ҳужжатларининг Қурилишни Ташкил Қилиш (ПОС) жадвали ҳамда ШНК 3.01.01-03 асосида олиб борилиши, белгиланган тартибда мазкур ШНК га асосан қурилишни ташкил қилиш лойихасида белгиланганидек бажарилаётган ишларнинг барча турлари бўйича умумий журнал, кириш назорат журнали, ҳамда махсус ишлар-бетон, пайвандлаш, ташқи девор чоклари зичлиги, геодезик назорат журналларини олиб борилиши керак; яширин ишларни гувоҳлаш, муҳим конструкцияларининг оралик қабули, жихоз, системалар, муҳандислик тармоқлари ва мосламаларни синаш, ишлатиб қўриш тўғрисида далолатномалар тузиш; бошқа ШНК ларда қўрсатилган алоҳида ишлар ва бажарилувчи ҳужжатлар-ишчи чизмалар комплекти, бажарилган ишлар бўйича ёзиғи билан шу чизмалар учун ёки ишлаб чиқаришнинг қурилиш-монтаж ишлари учун жавобгар Давархитектқурилишназорат вакиллари ва лойиха авторлари, буюртмачи техник назорати ва лойиха ташкилоти билан келишилган ҳолда ўзгартишлар киритишни амалга ошириш, ҳамда белгиланган вақтдан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилиши ва 45 кун муддатда тугалланиши шарт.</p> |
| 11 | <p>Товар (иш, хизматлар)нинг алоҳида тавсифнома ва сифат қўрсаткичлари (агар мавжуд бўлса)</p> | <p>Қурилиш монтаж ишлари ШНК қодаларига мувофиқ бажарилиши шарт.</p> |


| | | |
|----|---|--|
| 12 | Товар (иш, хизмат)ларни эксплуатация килиш (фойдаланиш) умумий шартлари, муддати ва бошқа қўшимча/махсус талаблари | <p>- Объектни Буюртмачига ШНҚ 3.01.04-19 ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарорига асосан топшириш.</p> <p>- Объектни Буюртмачига қурилиш жараёни, топширилганда жойни тоза ҳолда сақлаш ва топшириш;</p> |
| 13 | Кафолат муддати, лицензия, тренинг, сертификат ва бошқа қўшимча талаблар | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ижрочи ишлаб чиқариш объектларини қуриш (реконструкция, модернизация, таъмирлаш) учун махсус лицензияга эга бўлиши. 2. Ижрочи модернизация килиш жараёнида лойихада кўрсатилган талабларга мувофиқ ускуна ва жиҳозларнинг мувофиқлик сертификатини тақдим этиши шарт. 3. Объектни Буюртмачига ШНҚ 3.01.04-19 ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарорига асосан топширилгандан сунг Бажарилган ишлар ва хизматлар сифати бўйича 2 (икки) йил кафолат бериши шарт. |
| 14 | Чизмалар, эскизлар, ўлчамлар ва буюртма миқдори бўйича талаблар | Ушбу техник топшириқнинг 2 иловасига қаралсин. |
| 15 | Синовлар ва синов усуллари, муддати ҳақида талаблар | Ижрочи лойиха бўйича қузда тутилган барча турдаги муҳандислик коммуникациялари ишга туширилишидан аввал Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ синовлардан утказиши ва синов ҳақида гувоҳнома тақдим этиши шарт. |
| 16 | Қадоқлаш, тамғалаш ҳақидаги ёки мувофиқлик сертификати бўйича талаблар | Лойихада ўрнатилиши назарда тутилган барча асбоб-ускуна, қурилма ва жиҳозлар Ўзбекистон Республикаси сифат сертификати, Давлат стандартлари сертификатига эга бўлиши, Ўлчов жиҳозлари қийёслаш актига эга бўлиши лозим. |
| 17 | Етказиб берувчи (Иштирокчи)нинг малакасига ва техник салоҳиятига нисбатан талаблар | <ol style="list-style-type: none"> 1. Қамида 5 йиллик саноат ва ишлаб чиқариш биноларини қуриш тажрибаси. 2. Масъул шахснинг (менеджер, муҳандис) Буюртмачи ҳудудидаги техник учрашувларда иштирок этиши. 3. Қурилиш ташкилотда лойиханинг барча бўлимлари – ободонлаштириш, қурилиш қисми, таркибий қисми, сув таъминоти ва канализация, вентиляция, электр таъминоти, иссиқлик таъминоти, автоматика, хавфсизлик ва ёнғин сигнализацияси бўйича малакали муҳандис-техник мутахассислар бўлиши керак. 4. Саноат ва фуқаролик қурилиши профилидаги малакали мутахассисларнинг мавжудлиги. 5. Объектни қуриш учун батафсил лойихалашнинг ҳар бир босқичи ва бўлимини Буюртмачи билан мувофиқлаштириш ва қелишилиши шарт. 6. Буюртмачига объект қурилишининг ҳар бир босқичи учун (ППР) график-жадвал тақдим этиши шарт. 7. Қеракли моддий базанинг мавжудлиги, қурилиш компаниясининг зарур қурилиш ва махсус техника ва механизмлар билан жиҳозланиши – автокранлар, кўтаргичлар, мосламалар, портлашга қарши воситалар ва бошқалар. 8. Қурилиш компаниясини ихтисослаштирилган ишларни бажариш учун зарур бўлган мутахассислар билан таъминланиши ва хавфли иш турларини бажариш ҳуқуқини берадиган зарур тасдиқлар ва сертификатларнинг мавжудлиги шарт. |

| | | |
|----|---|--|
| | | <p>9. Қурилиш компанияси объектга ташириф буюради, лойихани ўрғанади, шунингдек буюртмачи билан объект қурилишига оид ташкилий ва техник масалаларни ҳал қилади.</p> <p>10. Ихтисослашган монтаж ташкилотлари билан суб-пудрат шартномалари тузади.</p> <p>11. Объектни қуриш билан боғлиқ талабларга киритилмаган барча техник ва ташкилий масалалар Буюртмачи билан келишилган бўлиши керак.</p> <p>12. Буюртмачи ҳудудидан қурилиш чиқиндилари ижрочи томонидан олиб кетилади.</p> <p>13. Буюртмачи билан ишнинг бошланиши ва тугаши ва масъул шахслар кўрсатилган ҳолда ишчи лойиханинг барча бўлимлари учун объектни қуриш режасини тақдим этади, келишади ва тасдиқлайди.</p> <p>14. Ижрочи Буюртмачининг, Муаллиф назоратининг ва техник назоратининг аниқлаган камчиликларини (шархлари) бартараф қилади.</p> <p>Қурилиш монтаж ишларини бошлашдан олдин, Ижрочи барча ташкилий ва техник масалаларни ўрғаниш учун объект билан танишиши, мавжуд лойиха ҳужжатлари ва чизмалар билан танишиши керак.</p> |
| 18 | <p>Дизайн талаблари, ўрнатиш ва техник талаблар, компонентлар, таркибий қисмлар ва материалларга қўйиладиган талаблар, мустаҳкамлик ва атроф муҳит ва бошқа ташқи омиллар таъсири остида вужудга келадиган параметрларга қўйиладиган талаблар, электр таъминот ва қувват бўйича талаблар</p> | <p>Лойиха смета ҳужжатларида келтирилган талаблар асосида амалга оширилади.</p> <p>Лойихада кўзда тутилган материалларни, жихозларни ва бошқа ашёларни ўрнатиш (ишлатиш)дан аввал, Буюртмачи билан келишилиши шарт.</p> <p>Лойиха ҳужжатларининг “Электр таъминоти” бўлимида кўзда тутилган қувват олиш мосламаси (КОРОБКА ОТБОРА МОЩНОСТИ РН/ВОХ) ларни ўрнатишда Буюртмачининг тегишли мутахассислари билан келишиб, завод ҳудудидаги мавжуд мосламалар тури ва талаблари бўйича мос бўлиши шарт. Ушбу техник топшириқнинг 2-иловасига қаралсин.</p> |
| 19 | <p>Экологик, санитария ва хавфсизлик талаблари</p> | <p>Экология талаблари.</p> <ol style="list-style-type: none"> Ижрочи ёқилғи ва мойлаш маҳсулотларини ерга ва оқава сувларга тўкилишини олдини олиш чораларини ёзма тарзда буюртмачига тақдим этиш шарт. Ёқилғи ва мойлаш маҳсулотларини утилизация қилиш жараёнини экология талаблари асосида амалга ошириш ва қайси корхона томонидан амалга оширилишини Буюртмачига маълум қилиши шарт. Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва чиқинди сувларини утилизация қилиш қонун талабларига мувофиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумоти тақдим этилиши шарт. <p>Хавфсизлик талаблари.</p> <ol style="list-style-type: none"> Ижрочи, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёнида, КМК 3.01.02-00 Қурилишда хавфсизлик техникаси, Ўзбекистон Республикаси саноат хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қонун талаблари ҳамда Буюртмачининг ички қоидалари талабларига тўлиқ риоя қилгиши шарт. Юқори хавф мавжуд бўлган ишларга ўрнатилган тартиб асосида руҳсатнома (План производства работ, наряд допуск) расмийлаштириш ва унга амал қилиши шарт. Барча турдаги ишлар иш-график асосида бажарилиши шарт. |

| | | |
|----|-------------------------------|---|
| | | <ol style="list-style-type: none"> 4. Монтаж ишлари учун ажратилган жой мустахкам тусиклар билан жихозланиши шарт. 5. Ижрочи монтаж ишлари учун ажратилган жойда Буюртмачи талабларига мос хавфсизлик доскасини жорий қилиши шарт. 6. Ижрочи ишчилари иш турига қараб махсус шахсий химоя воситалари (СИЗ) билан таъминлаши шарт. 7. Ижрочи иш жараенида қуйидаги меъерий ҳужжатларга асосан иш бажариши лозим: <ul style="list-style-type: none"> ○ «YUK ORTISH VA TUSHIRISH ISHLARIDAGI YUKCHILAR UCHUN ISHLARNING XAVFSIZLIGI QOIDALARINI TASDIQLASH TO'G'RISIDA» [O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2006-yil 13-iyunda 1582-son bilan davlat ro'yxatidan o'tkazildi]. ○ «IOK KÛTARIШ КРАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИ ХАВФСИЗ ИШЛАТИШ ҚОИДАЛАРИ» [Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг 2019 йил “20” июндаги 20/ЮБ-26-сонли қарорига]. ○ АСБОБ ВА МОСЛАМАЛАР БИЛАН ИШЛАГАНДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2007 йил 10 декабрдаги 20-15-306/11-сон]. |
| 20 | Бошқа қўшимча талаблар | <ol style="list-style-type: none"> 1. Катта ўлчамдаги конструкциялар ва контейнерларни ташишда, кўтаришда ва ўрнатишда, сақлаш жойи ва бошқа ташкилий-техник масалаларни Буюртмачи билан келишилиши шарт. 2. Катта ўлчамдаги конструкцияларни ташишда мол-мулкга, муҳанислик коммуникацияларига ва бошқа қурилмаларга зарар етказилса, зарар Ижрочи томонидан қопланади. 3. Ижрочи ташкилий ва техник масалаларни урганиш учун ишни бошлашдан аввал иш бажариладиган объект билан танишилиши лозим. 4. Ижрочи ишни бошлашдан аввал муддатлари курсатилган батавсил иш режасини (план производства работ – ППР) буюртмачига тақдим этиши лозим. 5. Ижрочи лойиха менежерининг доимий равишда иш бажариладиган объектда булишини таъминлайди. Лойиха менежерининг мажбуриятлари: <ul style="list-style-type: none"> ○ Ушбу лойихада иштирок этаётган буюртмачининг мутахассислари билан мулоқат; ○ Ижрочи таклифига биноан лойиха йигилишларида иштирок этиш; ○ Буюртмачининг таклифига биноан йигилишларда лойиха буйича қўнлик ҳисобот. 6. Ижрочи лойиха буйича ишларни бажариш учун барча зарур техника, асбоб-ускуналар, асбоблар, материаллар, инсон ресурслари ва бошқа ресурслар мавжудлигини таъминлаши лозим. 7. Қурилиш ишлари давомида буюртмачи томонидан товар ва хизматлар тақдим этилган тақдирда, уларни ҳисоб-китоб ишлари ШНҚ 4.01.16-09 ва бошқа амалдаги қонун |

| | | |
|--|--|---|
| | | <p>хужжатлари асосида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.</p> <p>8. Ижрочи ўз ходимларини ва махсус техникаларини Буюртмачининг худудига кириши учун махсус рухсатнома олиши зарур. Рухсатнома олиш учун кириш вақтидан камида 24 соат олдин ишчи ходим(лар) ва махсус техникалар рўйхатини буюртмачининг вакилига тақдим этиши шарт. Ижрочининг ишчи ходимлари кириш вақтида шахсни тасдиқловчи хужжатни тақдим этишлари шарт.</p> |
|--|--|---|

2 Илова (Ишлар, хизматлар учун)

| № | Бажарилиши керак бўлган ишларнинг, хизматларнинг давлат тилидаги номи | Бажарилиши керак бўлган ишларнинг, хизматларнинг рус ва инглиз тилларидаги номи | Техник талаблар (узунлиги, материал, таркиби, ва бошқалар техник хусусиятлар) | Микдори | Ўлчов бирлиги | Ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши керак бўлган жой | Ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш муддатлари | Иш, хизматнинг бошлангич нархи (Сум) |
|----|---|---|---|---------|---------------|--|---|--------------------------------------|
| 1. | Окава ва сув таъминоти тизими | ВК водопровод и канализация | | | | | | |
| 2. | Электр ускуналари | ЭМ Электрооборудование | | | | | | |
| 3. | Технологик кувурлар (сикилган хаво) | Технологические трубопроводы (сжатый воздух) | | | | | | |
| 4. | Иситиш ва шамоллатиш тизими | ОВ отопление и вентиляция | | | | | | |
| 5. | Структуралли кабель тизими | СКС Структурированная кабельная система | | | | | | |
| 6. | Умумий харажатлар | Общая сметная стоимость | | | сум | инж част К ТЕНДЕРУ.7z  | | 540 824 536 |

* Ишларнинг, хизматларнинг давлат хариди тавсифига аниқ товар белгисига ёки номга, патентга, конструкцияга ёки моделага, умуман бўлган муайян манбага ёки ишлаб чиқарувчига, эскиловчи ваколатли ҳуқуққа доир талаблар ёки ҳаволалар киритилмаслиги керак, бундан ишларнинг, хизматларнинг хариди хусусиятларини таърифлашнинг бошқа етарлича аниқ усули мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно ва бунда давлат харидининг тавсифига «ёки аналогик» деган сўзлар киритилиши керак

* Харид қилиш ҳужжатларида харид қилиналган ишларнинг, хизматларнинг давлат буюртмачиси томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш имконини берадиган кўрсаткичлар, яъни энг кўп ва (ёки) энг кам қийматларни, шунингдек ўзгартирилиши мумкин бўлмаган кўрсаткичларнинг қийматлари кўрсатилди

Ишлаб чиқилди:

Мухандислик коммуникациялари Биноларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бошқармаси муҳандиси

Мухандислик коммуникациялари Биноларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бошқармаси Мухандис-механик

Келишилди:

Мухандислик коммуникациялари Биноларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи

Джаббаров Рустам
(ФИШ)

Ташматов Зокир
(ФИШ)

Велиев Махмуд
(ФИШ)


(ИМЗО)


(ИМЗО)


(ИМЗО)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Республика Шахарсозлик экспертизаси

100011, Toshkent shahri, Abay ko'chasi, 6-uy, Tel. 244-04-85, E-mail:davexpertiza@exat.uz,
devexpertiza@umail.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: INOYATOV MIRABBOS MIRKOMILOVICH

Sana:06-10-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 64075

Obyekt nomi «Toshkent shahar, Sirg'ali tumani, Yangi Qumariq MFY, Istiqlol ko'chasi, 1-uyda joylashgan, "UzAuto Motors Powertrain" AJ Oldindan mexanik ishlov berish liniyasi uchun muhandislik kommunikatsiyalari" ishchi loyihasi»

Buyurtmachi - "UzAuto Motors Powertrain" AJ.

Bosh loyihachi - "Aria-Proekt" MChJ.

Litsenziya Litsenziya 2020-yil 11-iyuldagi AL-001261-sonli.

Moliyalashtirish manbai - Buyurtmachi mablag'lari hisobidan.

Bosh pudratchi - Tender savdo natijalari bo'yicha aniqlanadi.

Qurilish turi Modernizatsiya.

Murojaat raqami: № 49655

1. Loyihalash uchun asos

1.1. "UzAuto Motors Powertrain" aksiyadorlik jamiyati kuzatuv kengashining 2019-yil 29-noyabrdagi yig'ilishining 50-sonli bayonnomasi.

1.2. Belgilangan tartibda kelishilgan va 2022-yildagi buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyihalash topshirig'i.

1.3. Toshkent viloyait Qurilish Bosh Boshqarmasining 2020-yil 6-oktabrdagi 1727-1727237-2472-sonli Arxitektura rejalashtirish topshirig'i.

1.4. 2020-yilda "ARNIGLOBEENGINEERING" MCHJ tomonidan bajarilgan qurilish maydonchasining muhandislik-geologik sharoitlari to'g'risidagi xulosa.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Loyiha tarkibiy bayoniga ko'ra "ishchi loyiha" ning elektron yo'nalishda taqdim qilingan loyiha-smeta hujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. *Qurilish uchastkasining xususiyatlari:*

Tashqi havoning qishgi harorati hisobi - - 14⁰S.

Normativ shamol bosimi - 0,38 kPa.

Normativ qor qatlami og'irligi – 0,50 kPa.

Tumanning zilzilabardoshligi – 8 ball.

Tuproq-gruntlarning muzlash chuqurligi – 0,7 m.

3.2. Arxitektura – rejalashtirish yechimlari.

Loyihada Toshkent shahar, Sirg'ali tumani, Yangi Qumariq MFY, Istiqlol ko'chasi, 1-uyda joylashgan, "UzAuto Motors Powertrain" AJ mavjud binoda M-G o'qlarida T50 quyuv sexi binosi; 1-4.

Bino Oldindan ishlov berish liniyasi M-G 1-4 o'qlarida mavjud T50 quyuv tsexida joylashtiriladi; Binoning korpus qismi metall konstruksiyadan iborat, tashqi qoplamalari sendvich panellar bilan qoplangan, o'rab turgan strukturasi "Sendvich" paneli.

T50 quyuv tsexi - mavjud texnologik talablarga javob beradigan, ichki va tashqi pardozlash talab qilinmaydi texnologik va me'yoriy talablarga muvofiq yoritish.

Oldindan mexanik ishlov berish liniyasi mavjud binoda ko'zda tutilgan. Loyihada qo'shimcha bino qurish ko'zda tutilmagan.

Texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlari.

qurilish maydoni - 1200 m²;

3.3. Konstruktiv yechimlari.

Mexanik Ishlov berish liniyasi uchun muhandislik kommunikatsiyalari loyihasi mavjud qurilish konstruktsiyalari bilan bog'liq emas.

Loyihada qo'shimcha bino qurish ko'zda tutilmagan.

3.4. Yong'in xavsizligi.

Yong'inga qarshiligi – II toifa.

Funksional yong'in xavf turi – F5.1.

Konstruktiv yong'in xavf turi – S0.

3.5. Qurilish qiymatini hisoblash.

Qurilish-montaj ishlarining qiymatini hisoblash shartnomaviy joriy narxlarda ShNQ 4.01.16-09 "Qurilish qiymatini shartnomaviy joriy narxlarda aniqlash bo'yicha qoidalar"ga muvofiq tuzilgan.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

4.1. Ichki muhandislik tizimlari.

Barcha muhandislik kommunikatsiyalari Buyurtmachi tomonidan berilgan loyiha topshirig'iga muvofiq quyish zavodining mavjud tarmoqlariga ulangan:

- suv ta'minoti (sanoat yumshatilgan, sovutilgan), oqava tarmoqlari, siqilgan havo, elektr ta'minoti, havo almashtirish tarmoqlari, IT tarmoqlari.

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

5.1. Ishchi loyiha Buyurtmachi tomonidan ko'rib chiqilgan va 2022-yilda kelishilgan.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ishchi loyiha ekspertizaga buyurtmachining kamchilik va e'tirozlarisiz topshirilgan.

6.2. Ekspertiza jarayonida mahalliy (lokal) ekspert xulosalarining izohlariga muvofiq ishchi loyihasiga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

- asosiy qurilish materiallari, quruvchi - ishchilarning ish haqlari, foydalaniladigan mashina va mexanizmlar narxlariga aniqlik qiritildi;

- loyixaning OV, SS, ES, VK ko'rib chiqildi va kamchiliklar bartaraf etildi.

6.3. Ekspert tekshiruv natijalariga ko'ra, qurilish montaj-ishlarining dastlabki qiymati QQS bilan va buyurtmachining boshqa xarajatlari 541 581,175 ming so'm bo'lib, 756,639 ming so'mga kainaytirilib, 540 824,536 ming so'mni tashkil etdi, shu jumladan:

uskunalar - 124 020,600 ming so'm;

qurilish-montaj ishlari - 346 261,605 ming so'm;

QQS - 70 542,331 ming so'm.

Qurilish qiymatining pasayishi qurilish materiallari, foydalaniladigan mashina va mexanizmlar narxlari va boshqalarga aniqlik kiritish hisobidan kelib chiqdi.

Import qilingan uskunalar va materiallar narxlari ekspertiza tomonidan ko'rib chiqilmadi.

6.4. Buyurtmachiga tavsiya etiladi:

- ishchi loyihani tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor tashkilotlar bilan kelishish.

6.5. Demontaj ishlarida chiqarilgan materiallar qaytarish qiymati, buyurtmachi va pudratchi o'rtasida o'zaro belgilanadi.

6.6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 17-sentabrdagi 579-sonli qarorining 7-ilovasiga muvofiq va ShNK 1.03.06-13 da "Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchiligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi".

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Toshkent shahar, Sirg'ali tumani, Yangi Qumariq MFY, Istiqlol ko'chasi, 1-uyda joylashgan, "UzAuto Motors Powertrain" AJ Oldindan mexanik ishlov berish liniyasi uchun muhandislik kommunikatsiyalari" smeta xujjatlari ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va kelishishga tavsiya etiladi.

7.2. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli qorori va ShNK 4.01.16-09 ga muvofiq, tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'ektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

Ekspert mutaxassislar: Abbasov R., Abdullaev O., Kosherbaev M.

Bosh mutaxassis: XUDAYBERGANOV XAYRULLO OLLABERGANOVICH

объектлар бўйича энг яхши таклифларини техник **БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

| Т/р | Шаклларни баҳолашпараметрининг номи. | Баллар миқдори | Оферентлар | | |
|---|--|----------------|------------|--|--|
| | | | | | |
| I. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. (15 балл) | | | | | |
| 1. | Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши раҳбарлардан 2 киши мавжудлиги. | 4 | | | |
| 2. | Дипломли 3 йил иш стажига эга 3 кишидан иборат инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари, прораб ва мастерлар) | 3 | | | |
| 3. | Ишлаб чиқариш-техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 2 та мутахассисни мавжудлиги. | 2 | | | |
| 4. | Доимий равишда ишловчи 3 йиллик иш стажига эга 10 малакавий ишчилар мавжудлиги. | 2 | | | |
| 5. | Ходимларнинг йиллик ўртача сони 10-20(ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охириги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан текиширилади) | 2 | | | |
| 6. | Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 кишиишчилар мавжудлиги | 2 | | | |
| II. Тендер иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот. (25 балл) | | | | | |
| 1 | Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп | 6 | | | |
| 2 | Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги | 3 | | | |
| 3 | Ўтган йилда 50 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги | 5 | | | |
| 4 | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп | 5 | | | |
| 5 | Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20%гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади) | 6 | | | |
| III. Тендердаги объектга ўхшаш объектларда охириги 5 йиллик иш тажрибаси. (25 балл) | | | | | |
| 1. | Танлов объектига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошланғич нархнинг 50%) ва ундан кўп. (ҳар бир лойиҳа 3 балл билан баҳоланади), | 15 | | | |
| 2. | Тендердагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш (энг юқори 10 балл), айнан: - янги қурилиш - реконструкция - капитал таъмирлаш | 10 8 5 | | | |

| IV. Машина ва механизмлар рўйхати, (20 балл) | | | | | |
|---|--|--------------|--|--|--|
| 1. | Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 2 та дан кам бўлмаган охириги 15 йилликда ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 50% камайтирилади) | 15 | | | |
| 2. | Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 20 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги | 5 | | | |
| V. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. (2балл) | | | | | |
| 1. | Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги | 1 | | | |
| 2. | Лойиҳа ҳужжатларини ўрганиб чиқилганлиги | 1 | | | |
| VI. Шарнома ва тўлов шартлари билан танишиб чиқиш ва уларни қабул қилиш. (13балл) | | | | | |
| 1. | Тендер ҳужжатларида келтирилган тўлов шартларини қабул қилиш (100% тўлов ишлар бажарилганидан сўнг) - 100% тўлов ишлар бажарилганида сўнг - 15% олдиндан тўлов - 30% ва ундан ортиқ олдиндан тўлов | 10 7 5 | | | |
| 2. | Тендер ҳужжатларида келтирилган Шарнома лойиҳаси шартларини қабул қилиш: - тўлиқ қабул қилинган - баъзи изоҳлар билан қабул қилинган - қабул қилинмаган | 3 2 0 | | | |
| Жами балл | | 100 | | | |
| Минимал ўтиш бали | | 80 | | | |